

ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 16 октябрь

Сотувда эркин нархда № 205 (1986)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

АЙЛАНДҲ
СОАТ
МЛЛАРИ
ПАЙШАНБА
ХАБАРЛАРИ

• ХУШХАБАР

ОЛТИН МЕДАЛ МУБОРАК!

«Андижон дурдонаси» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасининг вакиллари Москвадан корхонада ишлаб чиқарилаётган ўрик, шафтоли ва олча ширинликларини учун берилган олтин медал билан қайтишди. «Гурман-98» кўрсаткичида қўшма корхонанинг маҳсулотлари ана шундай юқори баҳолабди, — дея ёзади Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги мухбири К. Низомиев.

Қўшма корхона иш бошлагандан буён унинг жамоаси Андижон замида етиштирилган мевадан бир ярим миллион литр ширинлик тайёрлади. Корхонанинг маҳсулотлари ширинлик безилган халтачаларга жойланмоқда, бу маҳсулотни мамлакатимиздагина эмас, Россия Федерацияси, Қозғистон ва Қирғизистонда ҳам севиб харид қилишмоқда.

Ҳозир Андижон консервациялари келгузи йилининг январь ойида Берлинда бўладиган «Халқаро яшил ҳафта» ярмаркасида иштирок этишга тайёргарлик кўришмоқда.

• ЭШИТДИНГИЗМИ?

АЛЛОМА ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Сурхондарё вилояти ҳокими ва «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими буюртмасига мувофиқ мажуср жамғарма қўшиқчи «Мерос-фильм» студияси «Ҳақим ат-Термизий» номида ҳужжатли, илмий-оммабон, телевизион бадиий фильмини суратга олмақда, деб хабар қилади Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги мухбири Чори Тўхтасев.

Фильм сценарийини кинодраматург Фарҳод Мусаев ёзган. Режиссёр Гўб Шермухамедов буюк аломанинг ёшлик, ўсирилик, йигитлик, камолот, етуклик ва кексалик давлари ҳақида ҳикоя қилишни режалаштирган. Қомусий олим, мутафаккир бобомиз родини халқ артисти Ёқуб Аҳмедов ижро этмоқда.

• АЖАБО

УМРЛАРИ УЗОҚ БЎЛСИН, ЛЕКИН...

Мамлакат опа Мирзахашимова бу йил роса 70 ёшга кирди. Бир этак фарзандларини оқ ююб, оқ тараб уйлашмоқда. У киши ҳозир болалари-ю невараларини кўришмоқда. Икки жон экан-да, уч ойдан бери онанинг тоблари қочиб ётиб қолди. М. Мирзахашимова юрда-галиклари сабабли, пенсияни олиб келишга кеңжа қизлари юбордилар. Кенжабой Чилонзорнинг 19-мигасидан 156-пачтахонага борса... Онасининг исм-фамилияси алақачон рўйхатдан ўчириб юборилган экан. Эмишчи, Мамлакат опа...

Онанинг қандай қилиб «қора рўйхатга» тушиб қолагани Чилонзор тумани ижтимоий тағминот бўлимидагилар билмасалар, пачтахонадагилар бирор-бир жўяли жавоб беришолмапти.

Ш. АЛИҚУЛОВ.

• ЙЎҒ-Э!

ПАРВОНА

Йўлдошлари Амударё туманидан 14 тонна гуруччи «КамАЗ»га юклаб, Фарғона водийси томон йўлга тушиб, Сирдарё вилоятининг «Ширин» божхона масканидан гуруччи Адижон шаҳар бозорига олиб боришни бидириб, тегишли божхона ҳужжатларини расмийлаштирди. Ҳужжатларни қўлга олган, йўлдошларини бузуқ нафис ҳақлақ олди. Яъни, Тожикистон божхоначилари билан «тил» топишиб, юкни Хўжаб шаҳрига олиб борди ва гуруччи кулаб юборди.


«Ҳамир учидан пачир» деб, даромаддан бир қисmini белига тушиб олган йўлдошлари Умаров Фарғона вилоятини божхона бошқармасининг 8-сонли «Рақом» божхона масканига келиб, божхона назириса ҳолат ҳақида сепкинига иштирои ва қўйдоғи «Ширин» божхона масканидан ёзиб берилган «юкни етказиб бериш арақаси»ни кўрсатди.

Божхона назириси эса Я. Умаров берган қўғозга «юк келиб тушиб» деб муҳр босиб бериш лозим эди. Буни қараган, назир аюйлардан эмас экан. Йўлдошларнинг илтимосини «қўйламоқ» қилиб бажарди. Натيجида юкка қўйилиб, йўлдошлари ҳам аввал ўйлаб юрган «жой»га келиб тушибди.

Зайлобиддин ИГИТАЛИЕВ,

вилоят божхона бошқармаси инспектори.

Соат милларини Қ. ЭШМАТОВ кузатди.



Телефонларимиз:
133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИЛАДИ

15 октябрь кунин Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ўртасида ўзаро аниқлашув тўғрисидаги Меморандум доирасида сайлов қонунчилиги масалаларига бағишланган давра суҳбати бошланди.

Давра суҳбатда халқаро экспертлар, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Амаддаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис котибияти ва Адлия вазир-

лиги ходимлари иштирок этмоқда. Давра суҳбатда ЕХХТ экспертлари иштирокчиларни турли давлатларнинг сайлов тизимидаги халқаро тажрибалари билан таништиради. Шунингдек, Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги масалалари бўйича ҳам ўзаро фикр алмашилади.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов таклифига биноан 1998 йил 16 октябрь кунин амалий ташриф билан Туркменистонда бўлади.

АСРИМИЗНИНГ ЙИРИК ЛОЙИХАСИ

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида оптик тола кабелли Транс-Осиё-Европа (ТАЕ ВОЛС) магистралининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан халқаро тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда мажуср лойиҳада иштирок этувчи давлатлар телекоммуникация агентликлари раҳбарлари ўз мамлакатларидан туриб бир-бирлари билан видеоконференцияда бўлди.

Бундан олти йил муқаддам Хитой Халқ Республикаси Шарк ва Фарбни бир-бирига боғловчи оптик тола — кабел орқали Халқаро алоқа магистралини қуриш ташаббусини илгари сурган эди. Унга биноан, оптик толали кабел Хитойнинг Шанхай шаҳридан Германиянинг Франкфурт шаҳригача бўлган ҳудудни қамраб олиши лозим.

Ўзбекистонда ўтказилаётган ишловларнинг асосий йўналишларидан бири мамлакатимизнинг халқаро интерграция жараёнларига қўшилишини таъминлашдир. Бу жараёни эса телекоммуникациясиёз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис Хитой ташаббуси Ўзбекистон ҳукумати томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. ТАЕ ВОЛС халқаро алоқа

магистрალი йирик халқаро лойиҳа бўлиб, 20 давлат ҳудудидан ўтади. Унинг узунлиги 27 минг километр бўлиб, 900 километрга яқини Ўзбекистон ҳудудини ташкил этади. Шуниси қувонарлики, магистралнинг мамлакатимиз ҳудудидан ўтган қисмини қуриш-созлаш ишлари республикамиз ташкилотлари ва юқори малакали мутахассислари томонидан ўз муддатда ва аъло даражада уюлланди.

Транс-Осиё-Европа оптик тола кабелли алоқа магистралининг ишта туширилиши муносабати билан ўтказилган халқаро тақдирот маросимида мажуср лойиҳанинг ҳаётига жорий этилиши ҳамкор мамлакатларнинг иктисодий ривожланишини янада жадаллаштиришда катта аҳамият касб этиши таъкидланди.

(ЎЗА)

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Бадиий академияси Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Ватан озолини йўлида жонини фидо қилган довурак курашчи, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамон Жалолиддин Мангубердиннинг қиёсасини яратиш бўйича республика оқич танловини эълон қилади.

Танловга юборилган

лоийҳалар 1998 йил 31 ноябргача Ўзбекистон Бадиий академиясида қабул қилинади. Танлов голиби учун 200 минг сўм миқдорда мукофот белгиланган. Республика маданияти, санъатининг таниқли намоёндаларидан ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги вакилларида иборат ҳайъат голибини аниқлайди.

Ташкилий қўмита

БУГУННИНГ ГАПИ

ТАЪЗИМ

мадилар. Бу сай-ҳаракатлар, меҳнату машаққатлар туманининг республикада биринчи бўлиб зафар қўчилиши олиб келди. Бундай қадок қўли деҳқонлар ҳузурида минг ботазим қилса арийди.

Ваҳоланки, мамлакатимизда таъзим қилишга аризулик ишлар бўлаётган ҳоли. Бутун куч тулланган ҳосилини ёғин-сонини кушларга қолдирмасдан йиғиштириб олиш, ўзбекнинг фахри, юртимизнинг иктисодий қудрати ҳисобланмиш улкан пахта хирмонини бунёд этишга қаратилган. Самарқанд вилоятидаги Нуробол тумани пахтакорлари ҳам пахтачилик-дир билан бақамти ҳолда маргара етиб келишди. Халемай бу сурурбахш кайфияти Вобкент, Олтинқўл, Жарқўрган, Фарғона, Қизилтепа каби туманларга ҳам насиб этади. Уларнинг ортидан эса Шаҳрихон, Бухоро, Гўлдувон, Қарши, Қамат-

ши, Сарисоёб каби туман пахтакорлари туришди. Ҳўжаларни ку қўверинг, гўё бир-бири билан пойга ўйнашгандек, хушхабар устига хушхабар. Ҳа, ўзбекнинг уйда бугун тўй бошланди. Бу — меҳнат ва мажбурият тўйи, бу синов ва секинч тўйи. Тақдирининг телефонлар ҳам тинмайди, телеграммалар оқими тўхтамайди. Илоҳим, ҳаммаги ана шундай тўйларга етказсин.

Бироқ пахтакорларимизнинг умум тўй-маросимлари ҳали олдинда. Ҳали далаларда ҳосилнинг салкам ярми турибди. Деҳқон бу ҳосилини йиғиштириб олмадан оёқ узатолмайди, яйраб дам ололмайди. Бугун унинг ҳузурига ёрдамга келган қўмақчи-ю, хашарчинини ҳам ўйлайди-да, у ахир. Токи улар ҳам безовта бўлишмасин, пахтакорнинг дудсини олиб, уйларида тезроқ қайтишсин.

Бу катта меҳнат замирида,

албатта, ҳукуватимизнинг пахтакорларга кўрсатаётган улуг ғамхўрлиги етибди. Пахтакорлар меҳнат ҳақларини ҳар беш кунда тапсатига санаб олишмоқда. Навоийлик муҳбиримизнинг хабар беришича, айрим оилалар ҳозиргача 50 минг сўмгача меҳнат ҳақи олишган. Мавсум ҳали тугаган эмас. Деҳқоннинг қўли пул қўрди, қўрғанда ҳам мўл қўрди.

Тўғри, республикамизда ҳали йиғим-терим ишлари тўғри йўлга қўйилмаган, тўла сафарбарлик эълон қилинмаган, теримчиларга қўлай шарт-шароитлар яратилмаган туманлар ҳам бор. Жўмладан, Шароф Рашидов, Дустилик, Мирзачўл, Хўжайли, Кейгайли каби туман раҳбарияти илгорлар тақдирининг намуна олади, кузнинг ана шундай ҳарорати ва ёруғ қунардан унутилиб фойдаланади, деган умидимиз бор. Катта қарвоннинг олдин кичик қарвоннинг қадими билан улчанади-да, ахир.

Эсирған БОЛИЕВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

МАЪНАВИЯТ

Яқинда Президентимиз муҳим бир фикрни ўртага ташладилар:

«Халқимизда: «Биз қўрган қўйинчиликни болаларимиз кўрмасин», — деган гап бор. Фарзандларга янада яхши ҳаёт шарт-шароитлари яратиш маъносиди бу тўғри. Лекин турмуш синовларида тобланмаган, қўйинчиликларни бошидан кечирмаган одам ҳаётга тайёр бўлмайди, яхшиликлар қадрига етмайди. Фидойи бўлиш учун қўйинчиликлардан қўрқмаслик керак. Ишонч, орзу-умидим шунки, ёш авлод ҳаёт ташвишлари олдига ўзини йўқотиб қўймасин, фидойиликка тайёр турсин...»

Дарҳақиқат, инсон — табиятан ўта мураккаб. Қўйиб берсангиз, унинг на иссиққа тоби бор ва на совуққа, ёки, айтилик, ишчанлик одамнинг қониди бўлгани каби, дангасалик ҳам унга ёт эмас. Кузатган бўлсангиз, унча-мунча одамга мавжуд вазиятни ўзгартириш ёқавермайди. Чунки бундай ишлар, бир ўзгариш ўз-ўзидан рўй беравермайди-да. Нимадан-дир воз кечилди, ниманидир амалга ошириш шарт, нимадан-дир қўйинчилик мажбурият, нимадан-дир тузасиз, ниманидир бузасиз...

роғи, шахсни шахс қилади-ган фазилят.

Иродасизлик мағлубиятга олиб боради. Агар ҳаётнинг моҳиятдан умрлик кураш, тинимсиз ҳаракат, мунтазам фаолият, муттасил изланишдан иборат эканини ўйласак, бу шундоқ ҳам тушунарли.

Шахсдаги ҳеч бир хусусият яқка-ёғиз тарзда мавжуд бўлмайди. Масалан, ирода учун инсонда, аввало, мақсад, кейин қатъият, сўнг эса чидам, матонат, сабр-қаноат, бардош, курашчанлик керак. Лекин айрича томони шундаки, ана шу хусусиятларнинг бири ирода орқали синовдан ўтади.

Ўзингиз ўйланг, миллатнинг қуллиқ исканжасидан буткул қутулиши учун 130 йиллик ирода зарур бўлди.

Бугун халқни зулматдан ёруғликка чиққанда рўй берувчи ҳолатлар — дафъатан оракка сиймайди қувонч, шунингдек, уни барқарор қилувчи янги қўйинчиликлар билан боғлиқ фидойи меҳнат, маънавий яқдиллик масъулияти, бир сўз билан айтганда, доимий сафарбарлик бирлаштириб турибди.

Ўзбек халқи қадим давлатчилик тарихига эга. Бу юртда не-не сулолалар ўтган, гуллаб-яшнаган, баъзан таъазулга ҳам юз тутган. Бироқ халқ тарихида ҳеч қачон

бугунгидек жараёнларни бошидан кечирган эмас. Ҳозир биз муштакил миллий давлат қураймиз, иктисод, ишлаб чиқариш янги асосда қайта шакллантирилади. Мулкка муносабат ўзгаряпти. Ҳар қандай ўзгариш осон кечмагани сингари, бошланган ишловларни охирига етказиш халқдан фавқулодда ирода, аҳиллик ва уюшқоқлик талаб қилади.

Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достони бош воқеаси қўйинчиликка маълум. Бир кўни барча қўшлар бир ерга йиғилади. Лекин кимнинг қаерда ўтиришида тайинли тартиб йўри, адолатсизлик ҳукмрон эди. Қарга қўшлар жамиятда чинакам тартиб ўрнатилган бир оқил ва одил шоҳга муҳтожлик сездилар. Худхуд, яъни Ҳўйишак Симуриг деган шоҳ қўш ҳақида хабар берди. Бу аслан Адолат рамзи эди. Қўшларда ана шу шоҳга етиш шавқи пайдо бўлди. Худхуд уларни шоҳ сари парвозга ундади. Қўшлар бир улуг ороу ишқиди учигиша тушдилар.

(Давоми 2-бетда).

«ОБУНА-99»

ЯҚИН СУҲБАТДОШ

Ҳамма буюк ишлар, улкан қурилишлар, яратувчанлик, ризикга тўла далаларимизда тоғ-тоғ хирмон бунёд этиши, албатта, Сиз овоз замондошимиз тўғрисида. Шу боис мамлакатимизнинг энг йирик нашрларидан бири «Халқ сўзи» саҳифаларида асосий мавзу — Инсон бўлиб қолади. Яъни, Сизнинг манфатларингиз, ўй-орзуларингиз олиб чиқилади.

«Халқ сўзи» халқиники. Унинг маънавияти, қадриятлари ифодавланган бўлади. Ҳар қандай тўқималардан ҳоли, маҳсул ва сароб фикрлардан ҳоли суҳбатдош истагангиз, юртимизнинг ҳамма аъналошлар бўйича ўсиб ва ўлмайиб бораётганликни билишнинг ҳоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлинг.

Элимиз дастурхонининг тўқималари, Ватанимиз камолоти учун тиниб-тинчланмаётган фидойи раҳбарлар, элим деб, юртим деб, ёниб яшаёт-

ган ҳар бир Инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам етилади. Азизлар, обуна мавсуми давом этмоқда. 1999 йилимизда рўй беражак ноқеалар ҳар биримизнинг тақдиримиз билан бевосита чамбарчас кечали, албатта.

Нашр кўрсаткичи:

Обуна нархи:
— яқка шаҳалар учун
— ташкилотлар учун

яқка газеткорлар учун
ташкилотлар учун

1 ойга
П/к
287
963

6 ойга
П/к
1.772
5.778

1 йилга
П/к
2.010
7.020

Йиллик
П/к
3.444
11.556

Манзил
П/к
4.020
14.040

166



167



Хар бир миллат ўзининг ананалари, миллий урф-одат ва удуллари билан бора-хаттир. Зеро, миллий миллатни қиладиған асосий белгилар ҳам ана шулардан иборат. Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий қадриятларга алоҳида эътибор берилганлигининг асосий боиси ҳам ана шунда. «Олтин мерос» халқаро жамғармасининг Тойлоқ тумани бўлимининг бу борадаги ишлари эътиборга лойиқдир. Жамғарма халқимизнинг ҳунармандчилиги, наққошлиги, ганҷкорлиги, зардузлик каби ананаларини тиклаш ва ривожлантиришга катта улуш қўшмоқда. Бу эса табиийки, тойлоқликларда ота-боболаримизнинг касб-корига меҳр-муҳаббат уйғотаяпти.

СУРАТЛАРДА: тойлоқлик ҳунармандлар иш устида.

Тоҳиржон ҲАМОҚУЛОВ олган суратлар.



Ҳозирги кунда уларда тангликдан чиқиш жараёни асосан валюталарни девальвация қилиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Яъни, миллий саноат капиталига устуворлик берилмоқда. Натигада ташқи бозорда рақобатбардорлик даражаси девальвация тўғрисида яхшиланган.

Лотин Америкаси мамлакатларида ахвол қандай? 1997 йил улар учун гоёт ҳосиятга бўлди: минтақада ўсиш суръатлари 5

рм ҳисобларга кўра, танглик вақтида давлат қисқа муддатли облигациялари қўйилмаларида ҳорижликлар ҳиссаси 30-35 фоиз, корпоратив қозғаларига эса 60-80 фоизга етди. 1997 йилнинг ноябрида бу қўйилмаларнинг катта қисми Россиядан чиқиб кетди. Бунинг олдини олиш мақсадида Марказий банк фойс ставкаларини оширишга мажбур бўлди, бу эса иқтисодий ўсиш истиқболларини шубҳа остига қўйди.

БҲРОНИДАН СЎНТ

Ҳозирги кунда уларда тангликдан чиқиш жараёни асосан валюталарни девальвация қилиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Яъни, миллий саноат капиталига устуворлик берилмоқда. Натигада ташқи бозорда рақобатбардорлик даражаси девальвация тўғрисида яхшиланган.

Лотин Америкаси мамлакатларида ахвол қандай? 1997 йил улар учун гоёт ҳосиятга бўлди: минтақада ўсиш суръатлари 5

рм ҳисобларга кўра, танглик вақтида давлат қисқа муддатли облигациялари қўйилмаларида ҳорижликлар ҳиссаси 30-35 фоиз, корпоратив қозғаларига эса 60-80 фоизга етди. 1997 йилнинг ноябрида бу қўйилмаларнинг катта қисми Россиядан чиқиб кетди. Бунинг олдини олиш мақсадида Марказий банк фойс ставкаларини оширишга мажбур бўлди, бу эса иқтисодий ўсиш истиқболларини шубҳа остига қўйди.

Лотин Америкаси мамлакатларида ахвол қандай? 1997 йил улар учун гоёт ҳосиятга бўлди: минтақада ўсиш суръатлари 5

рм ҳисобларга кўра, танглик вақтида давлат қисқа муддатли облигациялари қўйилмаларида ҳорижликлар ҳиссаси 30-35 фоиз, корпоратив қозғаларига эса 60-80 фоизга етди. 1997 йилнинг ноябрида бу қўйилмаларнинг катта қисми Россиядан чиқиб кетди. Бунинг олдини олиш мақсадида Марказий банк фойс ставкаларини оширишга мажбур бўлди, бу эса иқтисодий ўсиш истиқболларини шубҳа остига қўйди.

Жадвал.
ЎТИШ ДАВРИ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИ:
РЕАЛ ЯИМНИНГ ЙИЛЛИК ЎСИШИ СУРЪАТЛАРИ
(ФОИЗ)

	1992г.	1995г.	1996г.	1997г.	1998г.
ЎТИШ ДАВРИ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИ, жами					
Бўйича:					
Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари:	-13,0	-1,1	-0,3	1,7	3,25
	-99,5	4,9	3,9	3,0	4,5
Болгария	-7,2	2,1	-10,9	-5,6	3
Чехия		4,6	4,1	1,4	3
Словакия		6,7	6,9	5,8	5,5
Венгрия		1,5	1,3	3,6	7,75
Польша	-2,7	6,9	6,0	5,8	5,5
Руминия	-8,8	7,1	4,1	-2,2	7,5
Югославия	-27,9	3,6	4,4	-1,0	2
Болтйқий мамлакатлари	-31,4	2,1	3,5	4,6	5,25
Эстония	-14,1	4,2	4,1	6,0	6,5
Латвия	-34,9	-1,0	2,9	3,6	4,5
Литва	-34,0	2,9	3,6	4,5	5
МДҲ	-13,4	-6,7	-1,9	-0,0	1,75
Белоруссия	-9,6	-10,3	2,5	5,0	4
Қозғоғистон	-5,3	-8,2	0,5	2,0	4
Россия	-14,5	-4,1	-5,5	9,5	1,5
Украина	-9,9	-12,2	-10,0	-5,1	-1

Манбалар: The World at the Beginning of 1998.
1. 1993 йилги кўрсаткич бўйича уртача ахволатдан кўрсаткичлар бўйича АҚШ долларига ҳисобланган.
2. Дастлабки ҳисоблар.
3. Башорат.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Халқаро валюта фонди инкироздан чиқиш йўллари бўйича қўйиладиган тақдирларни кўрсатди: молия тизимининг жаҳон стандартларига ўтиши; маҳсулотнинг рақобатбардорлигини таъминлаш; иқтисодий ўсишнинг барқарорлигига эришиш; банк фаолиятининг доимий назорат қилиш ва бошқариш; молия секторини тиклаш; ҳорижий сармоялар ва фонд сармояларини жалб этиш; фонд ставкаларини ошириш.

Тонкондаги Америка банки директори Эндрю Феррис, Гарвард иқтисодий ривожланиш институти директори Джеффри Сакс бу тақдирларни кескин танқид қилдилар.

Айрим Осиё давлатлари Осиё валюта фондини ташкил этиш, АСЕАН давлатларининг интеграциясини ривожлантириш ва қучатириш (АСЕАН-2020) дастурини амалга ошириш кераклигини, бунинг учун тежамкорлик, барқарорлик, давлатнинг ролини қучатириш, халқаро сўғурта ташкилотларини ташкил этиш ва халқаро ҳамкорлигини мустақамлашга интилоқ кераклигини кўриб чиқдилар.

Бизнингча, тақдирлардан ташқари инкирозда сабаб бўлган ташқи омиллар ва ички иқтисодий муаммоларни кўриб чиқиш лозим. Ташқи омилларга институционал чакдорлик, жаҳон бозоридagi рақобат, АСЕАН давлатларининг ролини пайсатиришга ҳаракат қилиниши, Жануби-Шарқий Осиё давлатларида ишлаб чиқилган арзон моллар бозорининг қаматирилганлиги,

Халқаро реабилитолог-экспертлар симпозиуми олдидан

— Одамнинг табиати шундайки, — деб сўзида давом этди у, — киши, ҳар қандай шароит ва ҳолатда ҳам яшаши, яратилган интилади. Зеро, Ўзбекистон давлати ва ҳукумати халқ соғломлаштириш мустақамлаш учун тинмай ғамхўрлик қилиб, қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ногиронларни тиббий - ижтимоий ҳимоялаш, ўз касбига қайтариш ёхуд йўналтириш, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида улар учун мослаштирилган ишчи ўринлари ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ва иштирокини соғломлаштириш шулар жумласидандир. Айниқса, ногиронларни жамиятнинг соғлом қисмига қаторига қўйиш ва тенглаштириш учун катта сарф-ҳаракат қилинмоқда. Чунончи шу йилнинг 19-20 октябрь кунлари Тошкентда ногиронларни тиббий - ижтимоий ва касбий реабилитацияси муаммоларига бағишланган халқаро симпозиум ўтказилди.

Ушбу йилги тадбирни нега айнан Тошкентда ўтказиш режалаштирилди? Бунинг қатор объектив сабаблари бор. Миллий марказ Марказий Осиёда ягона ҳисобланиб, ҳар йили ўрта ҳисобда уч минг нафарга яқин ногирон даволаниб кетади. Биринчидан, 1995 йили 11 ноябрда ҳукуматимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг 1996-2000 йилларга мўлжалланган реабилитацияси дастури» эълон қилинди. Утган вақт ичида ана шу дастур асосида иш олиб бордик. Вилоятларда 8 та реабилитация (тиклаш) марказлари ва улар фаолиятини бошқариб, мувофиқлаштириб турувчи тизим ташкил этилди. Меҳнат вазирилик қарорига кўра реабилитолог-эксперт мақоми Ўзбекистонда биринчи марта касблар рўйхатига киритилди. Ногиронлар ҳақидаги маълумотлар банки ҳам жадвалик билан яратилмоқда. Шунингдек, ногиронлики белгилан буйича ишлаб чиқилган янги концепция ҳукуматга тақдим этилди. Унга кўра ногиронлик бутун дунёда қабул қилинган қонун-қоидалар асосида белгиланади. Юқори-

дагилардан ташқари ногиронларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси йўналишлари ва мақсадини ўз ичига олган концепция ҳам яратилди. Кўриниб турибдики, амалга оширилган чора-тадбирлар талайгина. Шуларни ҳисобга олган ҳолда халқаро симпозиумни Тошкентда ўтказишга қарор қилинди.

— Симпозиумда қайси давлатлардан вакиллар иштирок этишадилар? — Ҳозирча Буюк Британия, Голландия, АҚШ, Германия, Россия, Украина, Беларуссия, Қозғоғистон, То-

жикистон, Қирғизистон, Туркменистоннинг меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги, ушбу соҳанинг етакчи мутахассислари, ногиронлик билан шуғулланувчи шифокорларнинг қатнашиши кўтилмоқда. Узимиздан эса виллоятлар ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиқлари, ТМЭК (тиббий меҳнат-эксперт комиссияси) раислари, реабилитация марказлари ва тиббий илмий-текиштириш институти директорлари, тиббий олий ўқув юрти ректорлари тақлиф этилган.

— Маъмур симпозиумни ўтказишдан асосий мақсад нима? — Оўрсатган фойдаланиб, ушбу анжуманининг мустақилликка эришганимиздан сўнг илк бор уюштирилганлигини алоҳида таъкиллаб ўтмоқчиман. Турри, бунга ҳам турли конференциялар, учрашувлар бўлиб турган бўлса-да, қўлаи, доираси анча чекланганлиги. Энди бевосита саволга келсак, симпозиумни ўтказишдан мақсад ва манфаат «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг 1996-2000 йилларга мўлжалланган реабилитацияси дастури» асосида бажаришдан ишларни кўриб чиқиш, уларни чет э-

ллардан бири шундаки, бу андозалар ушбу соҳадаги Баҳолаш андозалари халқаро кўмитаси томонидан тан олинган халқаро қоидаларга уйғунлаштирилган.

Жаҳондаги 60 дан ортиқ мамлакат аъзо бўлган Баҳолаш андозалари халқаро кўмитасида иштирок этиш мамлакатимиз мутахассислари ва ҳорижий мутахассисларнинг алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилибгина қолмай, шу билан бирга халқаро кўмитадан олинадиган ахборот ва тажриба алмашиш ҳисобида мамлакатимиз бойликлари халқаро андозалар асосида ҳақиқий баҳолаш йўллари ишлаб чиқиш-ни тезлаштирилади.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

тақтил амалга оширилади. 1997 йили эса Ижтимоий таъминот вазирлиги ва республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида хотин-қизлар ногиронлигига бағишланган конференция ўтказилган. Шу асосда тайёрланган қатор маълумотлар, хотин-қизлар ногиронлигига оид ҳужжатлар симпозиумда кўриб чиқилди. Симпозиум республика байналмилал маданият маркази биносига бўлиб ўтди. Икки кун давомида бу ерда ногиронлар аравачалари, мосламалар, оёқ кийимлар, протез-ортез маҳсулотлари, тиббий-илмий асарлар кўргазмаси уюштирилди. Шунингдек Берингер Ингелхайм, Нейал фирмаларида ишлаб чиқариладиган дори-дармонлар намойиши ҳам бўлди.

— Симпозиум ташкилотчилари ва ҳомийлари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз? — Ижтимоий таъминот вазирлиги, Фан-техника давлат кўмитаси, республика ТМЭК ва ТКК шифокорлари илмий жамияти ҳамда бизнинг марказ бевосита ташкилотчиларидир. Ҳомийлар ҳозирча йўқ. Борди-ю, улар топилиб, бу ишга бош қўйишни хоҳлашса, 35-00-72 рақамли телефонга кўнгирик қилиб, керакли маълумот олишлари мумкин.

— Сўхбатимиз сўнгиде яна нималар дейишни истардингиз? — Ўзбекистонимиз инсонларвар ўлка. Ҳар бир фуқаросининг турт муқолати бут бўлиши учун астойдил қайғурган юрт. Шунинг учун ҳам у ўтган йили «Тинч океани ҳудудида ва Осиё мамлакатларида 1995-2002 йилларга ногиронлар масаласи декадаси» деб номланган халқаро дастурга қўшилган.

Ишончим қалқира, икки кун давом этадиган маъмур халқаро симпозиум ҳам Ўзбекистонда ногиронлар ижтимоий ҳимояси йўлида олға ташланган яна бир олим бўлиб қолади.

«Халқ сўзи» мухбири Гулчехра ЙЎЛДШЕВА сўхбатлашди.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ЮБОРИЛАДИ

ВАШИНГТОН. Шимолий Атлантика ҳарбий блокти Югославияга жўнайтилган кузатувчиларни муҳофаза қилиш учун махсус ҳарбий гуруҳ тузилиши режалаштирилмоқда. Бу ҳақда АҚШ Давлат департаментининг махсус вакили Жеймс Рубин хабар қилди.

Маълумотларга қараганда, яқин кунлар ичида Югославияга икки минг нафар халқаро кузатувчи жўнатилиши кўтилмоқда. Улар Косово можаросини тинч йўл билан бартараф қилиш борасида халқаро ҳамжамият қўйган талаблар Югославия ҳукумати томонидан қай даражада бажарилишини назорат қилади.


Ж. Рубиннинг таъкидлашича, бўлажак ҳарбий гуруҳ маъмур кузатувчиларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланади.

КОСОВО АТРОФИДАГИ ВОКЕАЛАР МУХОКАМА ҚИЛИНДИ

БОНН. Хелмут Кол раҳбарлигида Германия ҳукумати аъзолари ўтказган сўнгги мажлисида Косово атрофидаги воқеалар муҳокама қилинди. Мажлисида ГФР ташқи ишлар вазири Клаус Кинкел ва мулофаа вазири Фолькер Рое Косоводаги вазият билан боғлиқ маълумотлар ҳуқуқда маъруза қилди.

Таъкидлаш жоғизки, истеъфода чиққан Хелмут Кол ҳукумати 16 йил фаолият кўрсатди.

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, мамлакатнинг янги сайланган парламенти - Бундестаг ўз сессиясида Герхард Шредерни канцлерлик лавозимига таъкидлаганидан кейин ҳукумат расман алмашди. Бу тадбир 27 октябрь кунига мўлжалланган.



СУРАТДА: Франциядаги Лувр пирамидаси.

КИСКА САТРЛАРДА

ПЕКИН. БМТ ҳузуридаги жаҳон озиқ-овқат дастури Хитойнинг сўе тошқинларидан зарар кўрган Хунан вилояти аҳолисида ердам кўрсатишга қарор қилди. Яқин кунларда бу ерда жами 28 миллион АҚШ доллари миқдорида озиқ-овқат етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Маълумки, жорий йилнинг ёзида Янзи дарёсида юз берган сув тошқини натижасида Хунан вилояти жуда катта иқтисодий зарар кўрган эди.

КИЕВ. Нигерия Федератив Республикаси ташқи сўеат маҳкамаси раҳбари Ахожи Бухоро Бала раҳбарлигида делегациясини Украинага икки кунлик амалий ташириш ниятида етди. Ташириш чоғида икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сўеий маслаҳатлашулар ўтказиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Шунингдек, Нигерия делегацияси аъзолари билан Украинанинг қатор вазирликлари раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Урашувларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

АР-РИЕД. АҚШ, Исроил ва Фаластин раҳбар-

ларининг Вашингтонда бўлажак олий даражадаги учрашуви Исроил билан Фаластин Мухторияти ўртасидаги келиш-мовчиликни тинч йўл билан ҳал қилиш учун қўлай имконият бўлади. АҚШ мулофаа вазири Уильям Коэн Форс кўрғазини бўйлаб қилган сафари якунида шундай фикрни баён қилди.

У. Коэн сафари давомида Исроил Бош вазири Биньямин Нетаняху, Фаластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арафат билан учрашиб, бўлажак саммит бораида музокаралар ўтказди. Шунингдек, у Саудия Арабистонини қироли Фаҳд билан ҳам учрашиб, икки мамлакат ўртасида ҳарбий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш борасида фикр алмашди.

УММОН. Бу ерда Исроил Бош вазири Биньямин Нетаняху ва ташқи ишлар вазири Ариел Шарон билан Йордания ҳукумати раҳбари Фойз Тарови ҳамда Йордания тахт-вориси - шаҳзода Ҳасан ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Яқин Шарқ муаммолари, ҳусусан, Исроил-Фаластин муноқишаи юзасидан фикрлар алмашди.

НОСИР отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзин иҳдор этилди.

Рустам ЖУМАЕВ, сўеий фанлар доктори, профессор, Диффуза РАҲИМОВА, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

